

Меҳмонларимиз ташрифи давом этмоқда



18:41 / 08.06.2022 2482

7 июнь куни муҳтарам меҳмонларимиз — шайх Муҳаммад Холид Хорса ҳамда шайх Аҳмад Муҳаммад Фодил ҳазратлари Бухорода бир неча зиёратгоҳларга қадам ранжида қилдилар.

Бу кунги ташрифлар тасаввуф борасида илк бор китоб таълиф этган зот – «Таъарруф» китобининг муаллифи Абу Бакр Муҳаммад ибн Исҳоқ Калободийнинг зиёратидан бошланди. Сўнгра машҳур «Мабсут» асарининг муаллифи, шамсул-аимма Муҳаммад ибн Абдулазиз Ҳалвоний ҳамда «Ҳидоя» китобининг соҳиби Бурҳониддин Марғинонийнинг устози бўлмиш шамсул-аимма Заранжарий ҳазратларининг зиёратгоҳларига ташриф буюрилди. Шундан сўнг меҳмонларимиз Ҳазрати Имом мажмуасида Абул Ҳафс Кабир ва Абул Ҳафс Сағир ҳазратлари, шунингдек, имом Абу Муҳаммад Абдуллоҳ ибн Муҳаммад Калободий ҳазратларининг

зиёратгоҳларига ташриф буюришди.

Ташриф давомида меҳмонлар Имом Баҳоуддин Нақшбанд мажмуасига боришди, бу ерда Мир Араб олий маъҳадининг мударрислари ва талабалари билан учрашув бўлиб ўтди. Меҳмонларимиз Баҳоуддин Нақшбанд ҳазратларини зиёрат қилгач, қадимий Мир Араб мадрасасини бориб кўрдилар. У ерда мадраса талабалари билан суҳбат бўлиб ўтди. Сўнгра меҳмонларимиз Масжиди Калонда табаррукан имом Бухорий ҳазратларининг «Саҳиҳи Бухорий» китобининг боши ва охиридаги ҳадислардан ўқиб бердилар. Хуфтон намозидан сўнг меҳмонларимиз имом Бухорий таваллуд топган маҳалладаги Хўжа Зайниддин масжидида бўлиб, масжиднинг бой тарихи билан танишдилар.